

HISTORICAL DEVELOPMENTS OF MUSEUMS IN UZBEKISTAN

Özbekistan'da Müzelerin Tarihsel Gelişimi

Mahmud BOBOYOROV*

Öz: Müzeler hakkında konuşurken, tarihsel konulardan ve meselelerden söz etmek önemlidir. Bilimler Akademisi kapsamındaki Özbekistan Cumhuriyeti Devlet Müzesi, yüzyıldan fazladır Özbek milletin yarattığı kültürel mirasına ev sahipliği yapmaktadır.

Anahtar kelimeler: müze, miras, Özbekistan, uygarlık.


Abstract: When talking about museums it is important to mention historical facts and issues. The State Museum of Republic of Uzbekistan within Academy of Sciences has been hosting material and cultural heritage created by Uzbek nation, for more than a century.

Keywords: museum, heritage, Uzbekistan, civilization.

Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаш ётади. Ҳаққоний тарихини билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас. **(И.Каримов)**

Мустақил Ўзбекистон Республикамиз кундан-кунга равнақ топиб, дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва мос йўлни танлаб олган Ўзбекистон Марказий Осиёда ягона давлат деб тан олинганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки узоқни кўра билган юртбошимиз белгилаб берган тараққиёт йўлида юртимиз жадал суратлар билан ривожланмоқда. Жамиятнинг барча қатламларида, ҳамма соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермоқдаки, кеча билан бугунги куннинг тараққиёт олдидаги ўрни бекиёсдир, назаримда. Чунки мустақиллик шуқуҳи юртимиз тароватини, халқимизнинг йиллар давомида қалбида уфуриб турган садоқат, ўзлик ва Ватанга муҳаббат рамзини намоён айлашига имкон яратди.

*Samarkand State Museum



Дарҳақиқат, бугунги кунда ватанимизни нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизация бешиги сифатида тан олинганлиги ҳаммамизга аёндир. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққанлиги, диний ва дунёвий илмларнинг сайқал топганлиги қайта-қайта таъкидланиб ўтилмоқдаки, биз учун бу, ҳаётда дастуриламал бўлмоғи даркор.

Юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги тўғрисида фикр юритганимизда, албатта, биз ўтмиш ва бугунги кунга назар ташлаб эртанги кун режасини тузамиз. Бугунги шарафли кунимизга қанчалик ҳиссамиз борлигига иқтидо қиламиз. Дарҳақиқат, инсоният дунёқарашини янада мукамаллашувида илмий ва маърифий маскан ҳисобланмиш музейлар фаолиятида бугунги кунда янги давр бошланди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонуни (12 сентябр 2008 йил № ЎРҚ-177) музей ва музей ходимларининг касбга бўлган садоқатини янада ошириши билан биргаликда уларга масъулият юклади. Асосий ходимлар фаолиятида катта бурилиш нуктаси бўлди.

Музей тўғрисида гап кетганда мозий ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейи юз йилдан ортиқ вақтдан буён халқимиз томонидан яратилган моддий ва маданий ёдгорликларни авайлаб сақлаб келмоқда.

1876 йилда асос солинган музей дастлаб Тошкент музейи номи билан аталиб, асосан маҳаллий ўлкашунослар, ўтмиш билан қизиқувчи ҳаваскорлардан тўпланган ўлка тарихига оид экспонатлар сақланган.

1888 йили музей Низоми тасдикланиб, унга мувофиқ музейга геология, ботаника, зоология, этнография, нумизматика, қишлоқ хўжалиги бўйича материаллар тўпланган ва сақлаш ҳуқуқи берилган.

XX аср бошларида музейда тўпланган Туркистон ўлкасининг моддий бойликлари: археология, этнография, нумизматика, табиат тарихи, зоология, геология, миллий либослар, шарқ қўлёзмалари, қурол-ярқлар коллекциялари айрим олимлар, алоҳида кишилар томонидан жаҳоннинг турли бурчакларига ташиб кетила бошланган.

Собиқ Совет ҳукумати даврида ўзбек халқининг тарихий маданияти ва маънавиятини ўзида акс эттирган ноёб буюмлар ватанимиздан ташқаридаги музейлар коллекцияларини бойитган. Ўзбекистондаги музейларда эса «Чор Россиясининг Туркистон ўлкасини ўрганишдаги рус олимларининг ўлкадаги фан ва маданиятини ривожлантиришдаги ютуқлари» ҳар бир экспозицияда таъкидлаб турилган.

1943 йилдан бошлаб музейнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси таркибига қўшилиши муҳим аҳамият касб этиб, унинг фаолиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Музей нафақат маданий, балки илмий марказлардан бирига айланди. Ўзбек халқининг бой тарихий анъаналари, урф одатлари ва ҳунармандчилигини ўрганишда музейдаги коллекцияларни тўплаш ва улар асосида илмий тадқиқотларни узвий равишда очиб берилиши тарих фанининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Шу ўринда музейшуносларнинг хизматлари алоҳида тахсинга лойиқдир.

1950 йилдан бошлаб «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ишлари» 60-йилдан бошлаб эса «Ўзбекистон тарихига оид материаллар» номли илмий мақолалар тўплами чоп этила бошлаган. Буларда ўзбек халқининг тарихи, маданияти, музейшунослик ва унинг муаммолари ўз аксини топган.

Музей археология фондида ер ости саройларидан ва ёдгорликларидан топилган деворий тасвирлар, уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари, қадимий ёзувлар тасвирланган ашёлар халқимизнинг қадимий тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир.

60-80 йилларда олимлар ҳамда А.Альбаум томонидан уюштирилган экспедициялар натижасида Вароҳша, Афросиёб, Болаликтепа, Фаёзтепа ёдгорликлари очилган. Айниқса, Фаёзтепадан топилган ибодатхона комплекси ва Будда ҳайкали ўрта Осиёда буддизмнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Археологик ёдгорликлар ва илмий изланишлар натижасида «Афросиёб» ва «Болаликтепа» каби монографиялар ва буддизм дини ҳақида бир қанча рисола, мақолалар чоп этилди.

Музейларимиздаги захираларда нумизматикага оид ноёб колекциялар мавжуд бўлиб, улар ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим ашёвий далил сифатида бекиёс аҳамиятга эга. Улар орасида энг қадимги даврлардан то шу кунгача зарб этилган олтин, кумуш, мис тангалар, пуллар, олтин ва кумуш медаллар, ҳукмдор сулолаларининг муҳрлари жамлангандир. Ушбу йўналиш бўйича бир қанча илмий ишлар қилинганлиги халқимизни тарихга, ўтмишга алоҳида эътиборидир.

Республикаимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб Самарканд Давалат музей-қуриқхонасида фаолиятида янада улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

Мустабид тузум даврида кўз юмиб ўтилган ўзбек халқимизнинг давлатчилик тарихи, буюк мутафаккир алломалар, Темур ва темурийлар даври, Қатоғон йиллари, «Пахта иши» каби тарихимизнинг муҳим саҳифалари ўзининг ҳолисона асосини топди.

Бизнинг жамоамиз ҳам вилоятимиз ва имкон даражада республикаимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб тарих фанини ривожлантириш ва ёшларимиз онгида ватанга садоқат ҳамда миллий ғурур ҳиссиётларини кучайтириш каби муҳим ва шарафли вазифаларини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда музейимиз маданий-маърифий, тарихий маиший ёдгорликларни илмий асослаш бўйича илмий тадқиқот марказига айланмоқда десак адашмаган бўламиз. Чунки тарихий экспонатлар, қадамжолар, воқеа ва ҳолатлар чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниб кенг омма, хусусан, ёш авлод вакиллари орасида кенг қўламли тарғиб қилиш ишларини жадаллик билан олиб бормоқдамиз. Ўз мақсадларимизни амалга ошириш учун урганиб-изланиб барча имкониятлардан унумли фойдаланмоқдамиз.

Бугунги кунда бизнинг тасарруфимиздаги музейлар, тарихий обидалар, зиёратгоҳ гўшалар: Ўзбекистон маданияти тарихий давлат музейи, Амир Темур мақбараси, Хожа Дониёр мақбараси, Нодир Девонбеги мадрасаси, Бибихоним масжиди, Садриддин Айний уй музейи, Мирзо Улуғбек музейи, Афросиёб музейи, Вилоят ўлкашунослик музейи, Хазрати Хизир масжиди, Чор чинор зиёратгоҳи, Хазрати Довуд зиёратгоҳи, Ал Мотрудий мақбараси, Иштихон туман тарихий музейи, Пахтачи туман тарихий музейи. Каттақўрғон шаҳар тарихий музейлари халқимизнинг севимли қадамжоларига айланганлиги, яъни ташрифчиларнинг кундан-кунга кўпаётганлиги кишини қувонтиради.

Ўзларининг касб сирларини мукамал билган, ҳаётий тажрибага эга жамоамиз аъзолари ҳамиша муваффақият ва янгиликка интилиб мўътабар даргоҳ салоҳиятини ошириш, музейимизга келган ҳар бир мижозга ўтмиш ва бугунги кун, мустақиллик туйғусини уларнинг қалбида янада раванқ топтириш

йўллари излаб, уларга солиштирма асослар, мисоллар, оғзаки ва ёзма исботлар билан тушунчалар бериб боришлари, ишимиз ривожига ўзининг салмоқли ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Агар йил бошидан кўлга киритган ютуқларимизга қисман назар ташлайдиган бўлсак музейимиз фондидаги экспонатларнинг ҳолатини бузилмаслигини олдини олиш мақсадида, уларга ишлов бериш, таъмирлаш бўйича 90 дан зиёд экспонатлар мутахассислар томонидан таъмирланди.

Фондга 311 та янгитдан тушган экспонатларга биринчи илмий ишлов берилди. Фондда сақланаётган 1700 та та экспонатлар ракамли фотоаппарат билан суратга олиниб, компьютер базасига жойлаштирилди.

Ўтган йилларда янги экспозициялар ва кўرғазмалар учун фонддан 229 та экспонатлар танлаб олинди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий музейида доимий сақлаш учун 32 та музей ашёси берилди. Самарқанд шаҳримиздаги барча кўчалар, тарихий биноларни фотофиксация қилиш мақсадида 180 дан зиёд суратлар олиниб фондга кўчириб жойлаштирилди.


Нидерландияда кўрғазмада намоиш этилган рангтавир асарлар доимий сақлаш учун фондга олиб келинди. Илмий экспозиция ва кўрғазма ишлари бўйича ижтимоий ва маданий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда маънавий ва маърифий ислохотларни чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан “Аънавий аёллар кийиниши маданияти” мавзусида кўрғазмалар ўтказилди. Ўлкашунослик музейи, тарих бўлимида реэкспозиция ишлари музейимизда, туманларидаги мактаблар ва коллежларда Самарқанд: кеча ва бугун кўчма кўрғазмаси, Ўзбекистон Маданияти ва санъати кўрғазмасида “Мустақиллик ардоғидаги аъна” номли кўрғазмалар ташкил этилди.

Ўтган йилда 9 май - Хотира ва кадрлаш куни, 18 май-Халқаро музейлар куни, ҳамда Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб, “Буюк ва муқаддасан мустақил ватан”, «Ватан Она каби саждағохдир!», «Обод манзил чорраҳаларида» ва ҳоқоза кўрғазмалари ташкил этилди ва Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейини Мирзо Улуғбек кўчаси 148-уйдаги бинода реконструкция ишлари тугалланиб, янги Концепция асосида экспозиция яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, илмий маданий-маърифий ишлар бўйича юқорида айтиб ўтилганидек, йилнинг ўтган уч ойида музейларимизга 297 900 томошабин ташриф буюрди, шу жумладан, ўқувчилар -25017 киши, талабалар-124 017 киши, катталар 144970 кишидир. Уларга 4539 мартадан зиёд экскурсия ўтказилди. Шу жумладан 3214 та танишув экскурсияси, 740 та-мавзуий ва 642 тадан зиёд ўқув экскурсиясидир.

14 январ – Ватан химоячилари куни, 9 феврал – А.Навоий таваллуди куни, 14 феврал – Захриддин Мухаммад Бобур таваллуди, 8 март Халқаро хотин-қизлар куни, 21 март-Наврўз байрами, 22 март Мирзо Улуғбек таваллуди, 9 май Хотира ва кадрлаш куни, 1 июн Халқаро Болаларни химоя қилиш куни муносабати билан тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Турли мавзуларда 150 га яқин маъруза, суҳбатлар, оғзаки журналлар ташкил этилди. Ўтган йилларда Германиянинг Фрайбург шаҳридан ўзбек-олмон илмий-маданий жамияти аъзоларини Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қабул қилиб олиб, ҳамкорликда ишлаш учун келишиб олган бўлсак, ўтган 2014 йилда Лондон, Хитой ва Корея давлатларида хизмат сафарларида бўлиб сервис келишувларини амалга оширдик. Музейни оммалаштириш мақсадида илмий ходимларимиз томонидан ўтган 2014 йили 274 та турли мавзулардаги мақолалар ёзилган бўлиб, шундан 192 таси Республика ва вилоят, тармок ОАВда ҳамда 14 та мақола эса хорижий давлатларда чоп этилди.



Республика, вилоят телевиденияси ва радиоси орқали музей-қўриқхона фаолияти ва муаммолари ҳақида 70 дан ортиқ чиқиш ва эшиттиришлар ташкил қилинди. Янги ахборотларни олиш ва узатиш мақсадида музей-қўриқхонанинг янги веб сайти яратилди ва интернет тармоғига жойлаштирилди. Мирзо Улуғбек музейини веб-сайти кунлик янгиликлар билан бойитилиб борилмоқда. Мирзо Улуғбек виртуал музейи яратилган бўлиб, бугунги кунда Афросиёб ва бошқа музейларда ҳам бу хайирли иш давом эттирилмоқда. Музей-қўриқхона объектларида йўл кўрсаткичлар ва шиорлар ўрнатилди. Бундан ташқари илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини йўлга қўйилди. Каттакўрғон, Иштихон, Пахтачи шаҳар тарихи ўлкашунослик музейи фондида музей ашёларини рўйхатга олиш ва ҳисобот юргизиш бўйича илмий-услубий ёрдам кўрсатиш

ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий суди музейи учун музей ашёларини ва маълумотлар тўплаш ҳамда “Камолот” ЁИХ экскурсоводлар” мактабида экскурсоводлар тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Экспедиция ва илмий сафарлар бўйича сўз юритадиган бўлсак Ўзбекистон Маданияти ва санъати кўرғазмасида “Мустақиллик ардоғидаги анъана” номли кўрғазмани монтаж қилиш учун 2011 йилнинг 13-16 июнларида Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган Халқаро семинар-тренингда қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси томонидан ташкил этилган О.А.Сухареванинг инглиз тилида нашр этилган “Сўзана: Ўрта Осиё нақшин каштачилиги” номли китобини тақдиротига қатнашиш учун Тошкент шаҳрига хизмат сафарлари уюштирилди ва бу анжуманлардан олинган таассуротлар жамоа ўртасида ҳам муҳокама қилиниб ижро ва маълумотлар учун қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб “Муқаддасан мустақил ватан!” шиори остида ҳафтанинг ҳар душанба куни ўтказиладиган “Очиқ дарслар куни” да музейга Вилоят халқ таълими бошқармаси, Самарқанд шаҳар 1-сон Маданият уйи билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган икки қисмдан иборат бу тадбирларимизнинг биринчисида болаларни музейга тайёрлаш: бунда музейга келган болалар маданият уйи ва музей ходимлари томонида тайёрлаган музейга, тарихга оид ва Она ватанга садоқат, юртимиз равнақи, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз, ёш авлодни онгига миллий истиқлол ғояларни сингдириш, миллий кадриятлар,

анъаналаримиз, урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, миллий мафқурани шакллантириш ва шу билан биргаликда маънавий баркамол кишиларни камол топтиришда музейнинг тутган роли ҳақида қисқа маъруза, шеърлар ва сахна кўринишлари кўрсатилди. Бундан мақсад келган болалар музейга нисбатан тушунчаси иштиёқ ва эсталик дафтарига ўз фикрларини ёзиб қолдирадilar.

Ўйлаймизки, музейимизни эртанги кун орзуси –эришилиши керак бўлган ютуқ ва янгиликлар бизнинг назаримиздан узоқлашмаслиги керак. Биз ана шундай маъсулиятли ва машаққатли, ўз навбатида шарафли касб вакилларимиз. Биз шахримизга, музейимизга ташриф буюраётган меҳмонларни, мухлисларни нафақат шаҳар музейларимизга балким туманлардаги музейларимизга ташриф буюришларини ташкиллаштириш ишларини амалга ошириш чора-тадбирлари устида ишламоқдамиз.

Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатдан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатдан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари лозим бўлган ҳамма ишни қилиш–бизнинг фуқаролик бурчимиздир. Шу сабабли биз ёшлар онгига ўтмиш бугунги кунлар солномаси, ютуқ ва интилиш борабариди келажакка бўлган, ўзлик ва миллийлик ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришимиз зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

БЕГМАТОВ Э. Антропонимика узбекского языка. АҚД. – Ташкент: Фан, 1965.

Античные теории языка и стиля. Том. 3. – М. -Л., 1936. С. 121; Катанов Н.О. Алфавитный указатель собственных имен, встречающихся во втором томе «Образцы народной литературы тюркских племен, собранных В.В.Радловым». - Санкт-Петербург, 1988. С.2-15; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007.

Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948.

Абулгози Баходирхон. Шажараи тарокима. – Тошкент, 1995.

БЕГМАТОВ Э. Исmlарнинг сирли олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 1914.